

Гапнинг рости, манови жанобнинг галати гапларидан бутунлай доврираб колгандим, хозир хам уларни худди ўшандай тарзда такрорлаб беролмасам керак, деб кўркаман. Негаки ўша окшом бошқалар хам ундан худди менга ўхшаб гоят мутаассир бўлган эдилар. Бунга балки мутлако нотаниш одамнинг гаройиб, хайрон колдирадиган даражадаги самимияти сабаб бўлгандир...

Ўша нотаниш кимсани биринчи марта бундан икки ойча мукаддам Сан Марко майдонида учратгандим. Кенг майдон бўйлаб айланиб юрган одамлар сийрак, мовий осмонга бўй чўзиб турган, заррин накшлар билан безатилган хашаматли, ажойиб бино олдидаги байроқлар денгиз тарафдан эсаётган енгил шабададан ажиб хилпирарди; бош дарвоза якинида бир кизалок хар томондан унга ёпирилиб келаётган каптарларнинг улкан галасига макка дони сепмокда эди. Киёси йўк накадар гўзал манзара...

Шунда мен уни учратиб колдим, хозир – ушбу сатрларни ёзаётган пайтимда хам уни аник-тиник кўз ўнгимда тасаввур килмокдаман. У ўрта бўйли бўлиб, тез юрар, юганда хам хассасини иккала кўллари билан оркада тутганича букчайиб оларди. Бошида кора тусдаги кўпол шляпа, эгнида эса кулранг ёзги пальто, корамтир йўл-йўл шим кийволган. Негадир мен уни англиз бўлса керак, деб ўйловдим. Ёши ўттизларда, балки элликка хам боргандир. Юзи силлик кирилган, бурни бир оз катта, кулранг кўзлари хоргин бокар, лабларида хамиша кандайди англаб бўлмайдиган, галати табассум ўйнарди.

Ахён-ахёнда кошларини бир чимириб, ён-верига синовчан назар ташлайди, сўнг яна ўз олдига, ерга караб олар, ўзига ўзи бир нималар гапирган кўйи бошини сарак-сарак килганича кулимсираб кўярди. Шу алпозда у майдон бўйлаб уззукун у ёкдан-бу ёкка бориб келарди.

Ўша кундан бошлаб уни энди хар куни кузата бошладим. Чунки унинг, хох яхши хаво бўлсин, хох ёмон хавода бўлсин, тушдан олдинми, тушдан кейинми барибир узлуксиз кунига кенг майдон бўйлаб ўттиз ё эллик маротаба у ёкдан-бу ёкка ёлгиз ўзи ва худди ўшандай галати хатти-харакатлар билан одимлаб бориб-келишдан бошка хеч кандай юмуши йўк хисоби эди.

Юкорида айтганим ўша окшом аллакандай харбий хор концерт бераётган эди. Камина “Флориан” кахвахонасининг майдон узра ўрнатилган мўъжазгина столларидан бири ёнида ўтирардим, концерт тугаб, томошабинлар окими таркала бошлагач, нотаниш киши хар доимгидек паришонхотир кулимсираганича ёнимдаги бўш ўринлардан бирига келиб ўтирди.

Вакт ўтган сайин теварак-атрофдаги гала-говур хам тиниб, хадемай барча столлар бўшаб колди. У ер-бу ерда онда-сонда одамлар кўриниб колар, энди майдон бўйлаб улугвор осойишталик хукм сурар, осмон юлдузлар билан копланган, гўзал Сан Марко узра яримта Ой осилиб турарди.

Мен кўшнимга орка ўгирганимча газета ўкирдим, ниҳоят унга томон ярим ўгирилишга мажбур бўлдим; чунки шу пайтгача ундан бирон сас эшитилмаган, бирон харакат сезилмаган, энди эса у тўсатдан гапира бошлаган эди.

– Венецияга биринчи марта келишингизми дейман, афандим?—сўради у, французчани бир оз бузиб гапираркан; мен унга англиз тилида жавоб кайтармокчи эдим, у кутилмаганда шеваларсиз соф олмон тилида аста, хириллаган, бўгик овоз билан, товушини тиниклаштириш учунми, тез-тез томок кириб, йўталганича сўзида давом этди. — Буларнинг хаммасини илк бор кўриб тургандирсиз, хойнахой? Барчаси сиз

кутгандекмикан ишкилиб? Балким ундан хам зиёдарокдир, эхтимол? Эх! Бу кадар гўзал деб ўйламаган бўлсангиз керак-а? Тўгрими? Сизни бахтиёр деб хисоблаб, сизга хавас килишлари учунгина шундай ўйлаётган бўлмасангиз керак? Эх!

У ўриндикка бемалол суяниб олди-да, кўзларини тез-тез пирпиратганича менга диккат билан тикилди, унинг hozирги юз ифодасида аллакандай мубхамлик зохир эди.

Орага узок сукунат чўкди, ушбу галати сухбатни энди кандай давом эттиришни хам билолмасдан ўрнимдан турмокчи бўлгандим, у шошилиб мен томон энгашиб, сўз котди:

– Кўнгил колиш нима эканлигини биласизми, афандим?– сўради у секин ва катъий охангда, хассасига иккала кўллари билан таяниб олиб.

– Алохида, айрим холдаги чакана муваффакиятсизлик, омадсизлик эмас, балки умумий, кенг маънодаги кўнгил колиш, барча нарсалардан, бутун хаётдан кўнгил колишини айтаяпман? Албатта, буни сиз билмасангиз керак. Аммо бу нарса ёшлигимдан бери мудом таъкиб этиб келади, у мени сўккабош, бебахт ва бир оз галати хам килиб кўйган, буни инкор этолмайман. Сиз мени кандай килиб хам тушуна олардингиз, афандим? Лекин сиздан илтимос килгудек бўлсам, мен учун икки дакика вақтингизни ажратиб, гапларимни тинглай оларсиз, деб ўйлайман. Чунки гап очилдими, энди уни айтмасам бўлмас....

Авалло шуни айтишим керакки, камина кичкинагина бир шаҳарчада, пастор1 оиласида тугилиб, ўсганман, унинг покдомон хужраларида эскича урфдаги, уламоларгагина хос бўлган жўшқин, таъсирли некбинлик хамда яхши ва ёмон, савоб ва гуноҳ хақидаги дабдабали панд-насихатлардан иборат ўзига хос, гайриоддий мухит хукм сурарди, камина бундаин баландпарвоз каломларни тинглашга сира-сира токат килолмасдим, чунки менинг назаримда азоб-укубатларимга айнан улар айбдордек туюлаверарди. Хаёт мен учун шунчаки курук сафсатадангина иборат эди, холос. Негаки ушбу сўзлар каминада фавкулодда ва ахамиятсиз тасаввур-тушунчалар уйготар, мен эса улардан бошка хеч нимани билмас эдим.

Шу тарика одамлардан илохий эзгулик ва акл бовар килмас разолат кутиб яшардим; мен хаётда мафтункор гўзаллик ва кабохат кутиб яшардим; каминани уларнинг барчасига бўлган, кенг борликка, кандай бўлишидан катъи назар, бўлгуси саргузашт воқеаларга, фавкулодда бахт-омад хамда сўз билан таърифлаб бўлмайдиган, кутилмаган дахшатли изтиробларга бўлган теран, вахимали хирс ва хавас чулгаб олган эди.

Хаётимдаги илк кўнгил колиш нечоғли кайгули бўлганлиги хамон эсимда, афандим.

Эътибор берсангиз, у бирон-бир гўзал орзу-умиднинг кандайдир саробга айланиши билан эмас, балки хаётимга илк мусибатнинг кириб келиши билан боглик эди. Ўшанда ёшгина бола эдим, кечаси шовкиндан уйғониб кетдим, уйимизга ўт тушган эди. Оловнинг сирли, маккор тиллари чор-атрофни чулгаб олиб, то хонам эшигигача етиб бораёзган, бутун кават ва зина хам аланга ичида колган эди. Буни энди пайкаганимни биламан, уй билан бирга пастга куладим ва жонхолодда “Ёняпти! Ёняпти!” деб кичкира бошладим.

Уш бу сўзлар хамон кулокларим остида фавкулодда аниклик билан жаранглайди, ўшанда, гарчи эс-хушим, онгим у кадар бўлмаса хам хархолда кандайдир туйғуни хис этганлигим мудом эсимда. Сезишимча, бу ёнгин эди; мана hozир хам уни аник-тиник кўз олдимга келтираяпман! Охири нима бўлди дейсизми? Хали хаммаси эмас...

Ёлгиз Худога маълум, бу хазилакам нарса эмасди. Бутун уй батамом ёниб кул бўлган, оиламиз фавкулодда хавф-хатардан бир амаллаб жон саклаб колган, ўзим эса, анчагина жойим куйиб, жарохат олган эдим. Шу ўринда ўшандаги болаларча тасаввурим билан бўлажак воқеа-ходисотлардан ўзиб кетиб, тугилиб ўсган уйимнинг ёнгинда кўйиб,

кул бўлишини илгаритдан сезган эдим, десам нотўгри бўлур эди. Аммо шунга аминманки, ботинимда аллакандай ноаник шуур, гира-шира, тасаввур яшаган ва кандайдир дахшатли бир ходисани олдиндан англаб, пайкашимга туртки берган эдики, бунга киёсан борлик, вокелик менга ожиз кўриниб кетганди. Ёнгин – умримдаги биринчи мудхиш воқеа бўлган, бу билан эса хаётимдаги хайратланарли ва ажойиб орзу-умиддан ҳам кўнглим колган эди.

Кўркманг, сизга барча умидсизликларимни бирма-бир батафсил хикоя килмокчи эмасман. Мен факат бир нарсани айтмокчиман, яъни хаётимдаги улкан орзу-умидларимни ўзимнинг бебахт иштиёк-интилишларим билан, колаверса, минглаб китоблардаги: шоирларнинг асарларидаги курук сафсаталар билан бир умрга аллалаб келган эканман. Эх, шу десангиз мен уларни ана ўша шоир деганларни ёмон кўриб колдим денг, уларга колса, ўзларининг баландпарвоз сўзлари билан тўрт томонга жар солишса, иложи бўлса, ана ўша сўзларини Везувий узра кад кўтарган ирвит дарахти билан ёнма-ён ва хатто само гумбазига ҳам мухрлаб кўйишса – хар кандай дабдабали сўзнинг аслида ёлгон-яшик ёхуд киноя-пичингдан иборат эканлигини хис этмаслигим мумкинми, ахир!

Эх, завк-шавкка тўла ўша шоирларнинг нагмасини каранг, нимамаймиш, гўё тилимиз камбагал эмиш, э йўк, уларнинг ўзлари камбагал, афандим! Фикри ожизимча, хаётдаги мухтожлик ва етишмовчилик билан солиштирганда, аслида тилимиз бой, ниҳоятда бой. Азоб-изтиробларга келсак, улрнинг ҳам ўз сархадлари бор: ожизликнинг жисмоний, калтафахмликнинг эса рухий – бахт-омад бобида ҳам худди шундай! Инсоннинг ўз фикрини баён килиш эhtiёжи сабаб товушлар дунёга келган, улар воситасида ана ўша сархадлар оша ёлгонлар амалга ошириб келинган.

Нима, бунга мен айбдорми? Ё бўлмасам, ўзи умуман йўк ходисалар хакида тасаввур уйготаётган маълум сўзлар таъсиротидан факатгина менинг эсим огиб колаётганмикин?...

Мен ўзимнинг улкан тасаввур-тушунчаларимга мос келадиган саргузаштлар сари ана шундай иштиёк-ла тўлиб-тошган катта хаётга кадам кўйдим. Худо шохид, афсуски бу нарса менга насиб этмаган экан! Камина дунёнинг кўкларга кўтариб макталган жойларини ҳам бориб кўрдим, инсоният энг дабдабали сўзлар билан айланиб-ўргиладиган санъат асарларидан бахраманд бўлиш учун узок вақт дарбадар кездим; уларга юзма-юз турарканман, ўзимга ўзим шундай дедим: нақадар гўзал, бироқ: бундан-да гўзалроқ нарсалар йўкмикин? Бори шумикин, холос?

Мен хакикат, вокелик деган гапларни тушунолмайман; бу билан ҳамма гапни айтиб бўлдим, чоги. Качонлардир, эсимда йўк, дунёнинг кай бир гўшасида, тог устида, чукур, торгина дара тепасида турардим. Коя деворлари ялангоч ва тик эди, хув пастда эса тошдан-тошга урилиб, пишкириб оқаётган сувнинг шовуллаши эшитиларди. Пастга караб туриб, ўзимча ўйладим: хозир кулаб тушсам нима бўлади? Ўз-ўзимга жавобим ҳам тайёр эди: мабода шу ходиса рўй бергудек бўлса, йикилаётиб ўз-ўзимга шундай деган бўлардим: Ниҳоят, пастга кулаяпсан, билсанг, мана шу хакикат! Хўш, хакикат деганлари нима ўзи?

Кўрган-кечирганларим бир оз хангома килишга етади, десам ишонасизми? Бундан кўп йиллар мукаддам бир кизни севардим, ул шундай гўзал бир хилкат эдики, уни жон деб ўз химоямга олган бўлардим; бироқ у мени севмасди, бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўк, мен бўлмасам, бошқаси... Бироқ мен учун бундан-да гамгинроқ кўргилик бўлиши мумкинмиди? Лаззат ўрнига аччик мусибат келтирган ушбу воқеадан ҳам кўра огирроқ

азоб бормиди менга? Шундан сўнг неча-неча тунларни мижжа кокмай бедор ўтказдим, алалхусус, хамма нарсадан ҳам кўра мени бир ўй мудом кийнарди: зўр мусибат деганлари мана шу! Нихоят уни бошдан кечираяпман! Хўш, мусибат дегани нима ўзи?... Энди сизга хаётимдаги бахт ва омад хакида гапириб беришим шартмикин? Инчунин, бошимга бахт-омад куши кўнган пайтлар ҳам бўлган, лекин бахт-омаддан ҳам кўнглим колган... Хожати йўк; чунки мен сизга айтмоқчи бўлган мисоллар кўнглимни колдирган, хафсаламни пир килган, умидсизлик олиб келган ўша хаётнинг ўртамиёна, зерикарли, бемаъни бўлганини сизга барибир тушунтириб беролмайди.

Ярим маъбуд дея макталган Инсон – ким ўзи у? –деб ёзган эди ёш Вертер бир замонлар. Нима, ўзига ниҳоятда керак бўлиб турган кучлардан ҳам махрумми у? Модомики, кувончдан энтиккан ё изтиробга чўмган экан, уни буларнинг ҳеч қай бири тўхтатиб коллолмайди, бепоён чексизлик қаррига йўк бўлишга талпингани учун ҳам унинг хира, туссиз онги қайтиб келади.

Денгизни илк бор кўрган кунимни тез-тез эслаб тураман. Денгиз улкан, бепоён. Уни сохилдан туриб кузатарканман ўзимни озод, эркин хис этардим: чунки унинг адогида уфк ястаниб ётарди. Нега энди айнан уфк? Ахир мен хаётдан чексизлик кутган эдим-ку... Балки, менинг назаримдаги уфк бошка бировларникига караганда торрокдир? Камина хақиқат, вокелик деган нарсаларни тушуна олмаслигимни айтиб ўтган эдим – балки аклим ошиб-тошиб кетаётгани учун шундайдир? Ёки тушуниб улгурмаёганмикинман? Эхтимол, хулоса қилишга шошаётгандирман, ким билади? Ё бахт-омад ва дард-изтиробнинг факат энг қуйи даражаларинигина, энг нозик холатларинигина билармиканман?

Бундай деб ўйламайман; одамларга ҳам ишонолмайман, хаёт билан юзма-юз туриб, шоирларнинг баландпарвоз сўзларига қўшиладиган озчилик кишиларгагина ишоанаман, холос – ахир бу кўрқоклик ва алдовнинг ўзгинаси-ку! Ха, айтгандай, эътибор берганмисиз, афандим, яна шундай бир тоифа одамлар ҳам борки, улар шунақанги мактанчок ва бошкаларнинг чуқур хурмат-эхтиромига зимдан хавас қилишларига шу қадар ўч бўлишадикки, ўзларини энг зўр бахт-омадга эришган қилиб кўрсатадилар-у, бироқ кўрган-кечирган азоб-изтироблари хакида лом-мим демайдилар?...

Коронги ҳам тушиб колди, энди гапларимниям унчалик эшитгингиз келмаётгандир; шунинг учун, сўзни мухтасар қилиб, бир нарсага иқроор бўлмоқчиман, яъни мен ҳам бир пайтлар ўзимни ўзимга ва бошкаларга бахтиёр қилиб кўрсатмоқ учун... ана шунақанги одамларга қўшилиб... ёлгон сўзлашга уринганим рост. Бироқ анча йил бўлди, шухратпарастлигим бархам топиб, ундан кутулганман, ана шундан буён камина ёлгиз, бебахт ва бир оз галати ҳам бўлиб колганман, буни инкор этмайман.

Энди эса, тунлари юлдуз тўла осмонни кузатиб, хаёл суриш севимли машгулотимга айланган; чунки бу дунёга, бу хаётга қўл силтаб, ундан воз кечиб қўяқолишнинг энг яхши йўли ҳам шу эмасми, ахир? Шу билан бирга ўзимнинг улугвор тасаввур-тушунчаларимни зигирча бўлса-да, ҳамон асраб қолиш хакида, уларгагина хос бўлган хақиқатни умидсизликни ҳеч қандай бир азоб-укубатсиз намоён қила оладиган озод, эркин хаёт хакида, ҳеч қандай уфкка эга бўлмаган умр хакида орзу қилаётганимни кечиримли хол деб ўйлайман, шундай эмасми?...

Камина мудом шу ҳақда орзу қилиб, ўлимни кутиб яшамокдаман.

Эх, мен уни, ўлимни, ана шу охириги кўнгил қолишни ҳам хозирданок шундай бир аниқ тасаввур қиламанки!... Шуми ўлим дегани хали? Сўнгги дамда ўз-ўзимга шундай дейишим турган гап: мана, ниҳоят, унга ҳам етиб келдим! Хўш, ўлим дегани нима ўзи?...

*Олмон тилидан Мирзаали АКБАРОВ таржимаси*